



ГИЁВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, УЛАРНИНГ АНАЛОГЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНМАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИ СОДИР ЭТИШГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Абдуразаков Абдувосит Абдулхаевич

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош
бошқармаси бошлиғининг ўринбосари-тергов
бошқармаси бошлиғи
vosit_8119@mail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10555769>

ARTICLE INFO

Received: 16th January 2024

Accepted: 22th January 2024

Online: 23th January 2024

KEY WORDS

Айб, аналоглар, жазо,
жиноятларнинг сабаблари,
имкон берган, шарт-
шароитлар, гиёвандлик
воситалари, психотроп,
моддалар, ноқонуний
айланмаси.

ABSTRACT

Мазкур мақолада гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шарт-шароитларга доир масалалар таҳлил этилган.

Хуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи сабаблар ва омиллар муаммоси ҳар қандай криминологик тадқиқотда у ёки бу тарзда кўриб чиқилади, чунки у криминологиянинг муҳим муаммоларидан биридир. Уни илмий ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга.

Жиноятчилик сабаблари ва шароитлари ижтимоий, яъни жамият турмуши билан боғлиқ ҳисобланади. Уларни биз, умумий жиноятчиликнинг сабаблари ва шароитлари (умумий сабаблар), жиноятларнинг алоҳида турлари ва гуруҳлари сабаблари ва шароитлари (шахсга қарши жиноятлар), ҳамда конкрет жиноятларнинг сабаблари ва шароитлари (вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш) сифатида ўрганишимиз зарур. Профессор Г.А.Аванесов жиноятчиликнинг умумий сабабларини жиноятчилик манбалари деб атади.¹ Адабиётда яна шундай нуқтаи назар мавжудки, унга мувофиқ, жиноятлар умумий сабаблари илдизи ижтимоий тараққиётнинг зиддиятлари, иқтисодиёт ва ижтимоий-маънавий соҳадаги нохуш истиқбол, тарбиявий ишлардаги камчиликларда ётади.

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларни содир этилиши объектив ва субъектив сабаблар туфайли юзага келади.

Объектив сабаб ва шарт-шароитлар инсонларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган тарзда мавжуд бўлади, шу боис уларни бартараф қилиб, тугатиб бўлмайди,

¹ Аванесов Г.А. Криминология. –М., 1984. –С. 206-219.



аммо уларни чеклаш, бир қисмини зарарсизлантириш, уларнинг салбий оқибатларини камайтириш, яъни уларни назорат қилиш ва уларга таъсир кўрсатиш мумкин².

Субъектив сабаблар ва шарт-шароитлар одамларнинг муайян мақсад йўлидаги фаолиятига таалуқли ва боғлиқ бўлиб, одатда ушбу фаолиятдаги камчиликларнинг оқибатида юзага келади³. Н.Ф.Кузнецованинг фикрича, сабаб ҳар доим оқибат билан бевосита боғлиқдир, ундан ҳеч қандай оралиқ бўғинлар билан ажралмаган. Оқибатнинг энг яқин (бевосита) сабабигина сабаб деб аташга лойиқдир⁴.

Сабабнинг ўзи шарт-шароит билан ўзаро таъсир орқали намоён бўлади ва оқибатни келтириб чиқаради⁵. Бошқача айтганда, тегишли жиноят турлари асосида ётувчи мотивлар ва ундовлар айнан сабаблардир. Яъни у махсус даражадаги жиноятчилик сабабларини шахс мотивларининг занжирида кўрган⁶.

Фикримизча, олдин ҳам жиноят содир қилган ёки рецидив шахснинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари ҳам гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларни содир этилишининг объектив сабабларидан бири сифатида айтиш мумкин.

Ижтимоий ва криминологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, одам турмиш тарзидаги ўзгаришлар кўпинча объектив ижтимоий сабабларга эга бўлади. Бундай шароит шахснинг хулқиға ҳар тарафлама салбий таъсир кўрсатиши мумкин, булардан бири ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятлардан чекинишдир. Аммо жиноятчи оғир шароитда яшайдиганлар билан бир қаторда, мақбул шароитда яшайдиганлар ҳам содир этадилар.

Ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг объектив аҳамиятига қарамай, меъёрий муносабатларнинг шаклланишида шахснинг қадриятлар тизими ва бошқа ижтимоий-руҳий омиллар жуда муҳим, ҳаттоки ҳал қилувчи рол ўйнаши аниқланган. Айнан шулар шахснинг интеллектуал ва руҳий-ахлоқий негизининг шаклланишида иштирок этади. Кейинчалик бу негизга шахснинг қонуний ёки жиноий-ғайриахлоқий хулқ-атвори асосланади. Чунки айнан шу ёшда дунёқарашнинг асослари юзага келади ва хулқ шаклланади⁷.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ўрганилаётган жиноятларнинг бевосита сабабларига кўпгина криминологлар оилавий-маиший соҳа, ўқиш ва ишда таъмагирлик-текинхўрлик мотивацияси шаклланиши; мастлик, гиёхвандлик, қимор ўйинларига интилишда намоён бўладиган ҳордиқ чиқариш ва маиший қизиқишлар,

² Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари. Юрид.фан. ном. даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент.: 2006. –Б. 42.

³ Сахаров А.Б., Саркисов Г.С. Проблема преступности вояга етмаган шахс современных условиях. –Ереван, 1991. –С. 65-66.

⁴ Кузнецова Н.Ф. Проблемы криминологической детерминации. –М.: 1984. –С.13.

⁵ О.С.Субанов. Гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларни барвақт олдини олиш: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: О. Т. Ахмедов; О. С. Субанов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023. – 52 б.

⁶ Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари. Юрид.фан. ном. даражасини олиш учун ёзилган дисс. –Тошкент.: 2006. –Б 48.

⁷Файзуллаева В. Вояга етмаганларнинг жиноятолди хулқ-атворини ўрганишнинг аҳамияти. Qonun himoyasida, 2002, № 6 (78). –Б.34-35.



эҳтиёжлар, одатлар деформацияси; микромуҳитда истеъмол қилиш ва эгоистик, ҳамда зўравонлик муҳитини киритишмоқда⁸.

Биз А.И.Долгованинг, “жиноятчиликнинг аниқ шароитларида турфа хил кўриниш ва шакллардаги келиб чиқиши илдизини атрофлича тушунтирадиган, умумий, асосий, бошланғич сабабият мавжуд эмас”, деган фикрига тўлиқ қўшиламан⁹.

Шахс томонидан жиноят содир қилиниши, атроф муҳитнинг унинг шахс сифатидаги шаклланишига бўлган салбий таъсири натижасидир. Н.Ф.Кузнецова жиноятчилик сабабларига антисоциал иқтисодий психология, антисоциал сиёсий психология, антисоциал маиший психология, ҳуқуқий психология нуқсонларини киритади, зотан улар, унинг фикрига кўра, жиноий хулқ-атвор механизмида криминоген мотивацияни шакллантиради¹⁰.

Шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишига қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

шахснинг инсоний хислатларидаги заифлиги, кайф-сафога мойиллиги;

шахснинг хусусиятлари: тажанглик, неврозлик ҳолатлари, эмоционал тангликнинг етишмаслиги, ўзини назорат қила билмаслик;

ўз талабини қондира олмаслик, айрим қийинчиликларга бардош бера олмаслик;

атрофдаги шахслар ёки тенгқурларнинг таъсири, гуруҳларга қўшилиб қолиш;

гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишнинг ёмон оқибатларини чуқур ўйламаслик;

оиладаги айрим нохушликлар, бола тарбиясида йўл қўйилган камчиликлар;

атрофдаги шу йўлга кириб қолган яқин кишиларнинг таъсири, мактабдаги айрим шахслар – мактабдошларнинг таъсири;

ишининг юришмаслиги, ишқий муҳаббатдаги кўнгилсизликлар;

шахснинг салбий муҳитга тез берилиши;

шахснинг уйдан тез-тез бош олиб чиқиб кетиши;

шахснинг ота-онаси ўртасида тез-тез жанжал бўлиб туриши;

шахснинг бўш вақтини оқилона ташкил эта олмаслиги;

шахс яшайдиган оилада гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг авж олиши;

бир хил турмуш тарзидан вақтинча бўлса ҳам воз кечишни исташи натижасида шахснинг руҳиятида ўзгариш юзага келиши;

шахснинг бугунги кун билан яшаши, совуққонлик оқибатида пессимистик (тушкун) дунёқарашга эга бўлиб, ўз ҳаёти ва турмуш тарзидан қониқмаслиги;

шахснинг оиласида ўзига хос муаммо борлиги ва бу муаммони ҳал қилишга унда хоҳиш ва истакнинг йўқлиги;

шахсда шахсий-ижтимоий психологик салбий омилларнинг мавжудлиги;

шахснинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан иродасининг бўшлиги;

⁸ Криминология. М., 1992. –С. 234.

⁹ Криминология: Учебник для юрид. вузов / Под общей ред. А.И.Долговой. –М., 1997. –С. 180.

¹⁰ Кузнецова Н.Ф. Проблемы криминологической детерминации. М.,1984. –С.56-103.



шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш натижасида қандай оқибатлар келиб чиқишини олдиндан башорат қила олмаслиги ва ҳоказолар¹¹.

Гиёҳвандлик воситалари билан ноқонуний савдо қилувчи шахслар ва гиёҳвандлар болани бу иллатга ўргатишда, асосан, моддий жиҳатдан яхши таъминланган оилаларнинг болаларини ўзларига ўлжа сифатида жалб қилишга кўпроқ ҳаракат қиладилар.

Бундай объектив ва субъектив сабабларни санашни давом эттириш мумкин, лекин шахснинг гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишига битта аниқ омилни сабаб қилиб кўрсатиш мушкул. Агар шундай сабаб бўлса, ўша сабабни рўқач қилиб кўрсата олсак, у ҳолда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилинишига чек қўя олган бўлар эдик. Маълумки, боланинг келгусидаги шахс сифатида жисмоний ва маънавий шаклланиши асосан оиладаги муҳит, ота-онасининг кимлиги, оилада қандай ўринни эгаллаши, эр-хотиннинг ўзаро муомаласи, боланинг ҳар томонлама шаклланишида улар олиб бораётган тарбиявий ишларга ва қайси усул билан тарбия қилаётганига боғлиқ. Мамлакатимизда ҳам жиноятчиликка, шу қатори гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларига қарши курашиш ва уларнинг барвақт олдини олиш борасида давлат ва ҳукумат даражасида профилактик тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, янги иқтисодий муносабатларга ўтиш шароитида уй-жой, меҳнат, маиший ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг қийинлашиб бориши, ўсмирларнинг бекорлик, норозилик, шафқатсизлик туйғуларининг кучайишига, ижтимоий адолат принципи ҳақидаги тасаввурларнинг салбий томонга ўзгаришига, ҳар қандай ахлоқ ва қонун нормаларини инкор этиш, фақат шахсий манфаатини кўзлаб иш тутиш психологияси шаклланишига сабаб бўлмоқда. Жамиятда маҳсулотлар ва маиший хизмат кўрсатиш турлари баҳосининг ошиб бориши эса вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эриша олмаслик, дам олиш клублари, спорт секциялари, соғломлаштириш масканлари, тўғарақлар сонининг кескин камайиши, оила ва мактаб тарбиясида йўл қўйилаётган камчиликлар, ҳозиргача шахсларнинг, рецидив жиноятлар содир этилишига ундовчи омиллар сифатида салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатларни эътибордан асло четда қолдириб бўлмайди. Муқаддам судланганларнинг оддий эҳтиёжларини қондира олмасликлари уларни бевосита такрорий жиноят содир этишга олиб келади¹².

Биз ушбуларни инобатга олган ҳолда, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларни содир этишга, шунингдек гиёҳвандлар сонининг кўпайиши Ўзбекистон

¹¹О.С.Субанов. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларни барвақт олдини олиш: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир: О. Т. Аҳмедов; О. С. Субанов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023. – 52 б.

¹² Нийёзова С.С., Абдуқодиров Ш. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жиноятининг субъекти. Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами.–Тошкент.: ТДЮИ, 2008 №1. –Б. 116.



Республикасида ҳам жиддий муаммолардан бири бўлаётганлигини эътиборга олиб, бу муаммони келтириб чиқаришга сабаб бўлаётган қуйидаги омилларни кўришимиз мумкин:

биринчидан, Ўзбекистоннинг наркотижорат учун қулай жуғрофий жойда жойлашганлиги;

иккинчидан, Марказий Осиё ва МДХдаги айрим давлатлар билан чегараларнинг нисбатан шаффофлиги ҳамда визасиз тартиб жорий этилганлиги;

учинчидан, гиёҳвандларни даволаш ва гиёҳвандликнинг олдини олиш юзасидан самарали тизимнинг яратилмаганлиги;

тўртинчидан, гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши кураш соҳасидаги сай ҳаракатларининг гиёҳвандлик муаммолари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар фаолияти билан етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги;

бешинчидан, гиёҳвандлик воситалари ҳамда уларнинг салбий асоратлари юзасидан аҳоли, хусусан, ёшлар учун мўлжалланган махсус таълим дастурларининг йўқлиги ва бошқалар.

Шундай қилиб, миллий ва халқаро миқёсда наркожиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини таъминлаш учун халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлигини эътироф этиш, наркожиноятчиликка қарши курашнинг ягона ҳуқуқий негизини вужудга келтириш учун миллий қонун ҳужжатларини юқорида зикр этилган нормалар билан мувофиқ ҳолатга келтириш, шунингдек ҳар бир давлат ўз амалиётида ҳамда чет давлатларнинг тегишли органлари ва ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда жаҳон андозаларига мос келадиган миллий ҳуқуқ нормаларининг ҳар томонлама, аниқ ва тўлиқ қўлланилишини таъминлаши лозим.

Гиёҳвандлик инсоният инқирозига олиб келиши мумкин бўлган иллатлардан бири бўлиб қолмоқда. Эртанги кунга ишонч билан қараган жамият, айниқса келажаги буюк юрт фуқаролари бу офатга қарши ҳамиша кураш олиб боришлари лозим.

Айтиб ўтиш керакки, ҳар бир жиноятни содир этилишидаги ўзига хосликлардан келиб чиқиб, ушбу жиноятларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳам турлича бўлади. Хусусан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларини содир этилишига кўпроқ қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: оиладаги носоғлом муҳит; атрофдаги шахсларнинг бепарволиги; ёшлар орасида гиёҳвандлик моддаларини ёшлар орасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларининг ортиб бориши; дорихоналарга рецептсиз синтетик гиёҳванд препаратларнинг янги турларининг кириб келиши; гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний айланишини назорат қилиниш тизимидаги (ҳуқуқий ва ташкилий томондан) айрим камчиликлар мавжудлиги; вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлиги; интернет тармоғи ва хорижий фильмларнинг салбий таъсири; бошқа шарт-шароитлар.

Ёш авлодни гиёҳвандлик иллатидан асраш, ёшлар орасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиниши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўсмир ёшлар ҳар-бир давлатнинг асосий кучи ва келажагини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланганлиги сабаб ёшларни тўғри тарбиялаш ҳар



бир ота-онанинг, маҳалланинг, жамиятнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси эканлиги барчамизга маълум. Хулоса қиладиган бўлсак, республикамизда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи ёшлар орасида бу иллатларнинг кўпайиб кетишини қуйидаги ҳоллар билан тушунтириш мумкин: ота-онаси ёки қариндошлар орасида алкоголизм ёки гиёҳвандлик касаллиги билан оғриган беморларнинг борлиги; оилада наркотик моддалар билан савдо қилувчиларнинг борлиги; ўсмирларнинг устидан назоратнинг сустлиги ёки умуман йўқлиги; уларнинг дўстлари орасида ушбу касаллик билан оғриган ёши каттароқ ёшларнинг борлиги; ўсмирларнинг ушбу касаллик туфайли келиб чиқаётган асоратларнинг билмаслиги; ўсмирларнинг ҳар хил нарсаларга қизиқувчанлиги, тез таъсирга берилувчанлиги; ҳар хил спорт, санъат ва бошқа тўғарақларга қатнашмаслиги; аҳоли орасида гиёҳванд восита ёки гиёҳвандлик касаллиги тўғрисидаги ахборотларнинг камлиги; давлатимиз наркотик модда ишлаб чиқарувчи давлатлар билан қўшнилиги ва транзит территорияда жойлашганлиги; наркотик моддалар савдосини ўзига касб қилиб олганларнинг борлигидир.